

**МЕҲНАТ БОЗОРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИДА ИШСИЗЛИК ВА ИШ  
БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.*

**Севара Абдиназаровна Бабаназарова**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD*

**Озода Мамаюнусовна Пардаева**

*ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.*

*Элек. почта: [ozodapardaeva@yahoo.com](mailto:ozodapardaeva@yahoo.com)*

**Аннотация:** мақолада меҳнат бозори трансформациясида ишсизлик ва иш билан таъминланганлик даражасини ошириш имкониятлари қараб чиқилган. Бунда ишсизликнинг дунё миқёсидаги даражаси ва бу бўйича Ўзбекистондаги аҳвол ҳам қисман таҳлил қилинган. Меҳнат бозорида ишсизликнинг бешта турига изоҳ берилган. Буларга фрикцион (қисқа муддатли) ишсизлик, таркибий ишсизлик, циклик ишсизлик, мавсумий ишсизлик, малакасизлик билан боғлиқ ишсизликларнинг киритилиши айтилган.

**Калит сўзлар:** ишсизлик, иш билан бандлик, камбағаллик, фаровонлик, фрикцион (қисқа муддатли) ишсизлик, таркибий ишсизлик, циклик ишсизлик, мавсумий ишсизлик, малакасизлик, янги иш ўринлари.

**ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ БЕЗРАБОТИЦЫ И  
ЗАНЯТОСТИ ПРИ ТРАНСФОРМАЦИИ РЫНКА ТРУДА**

**Мамаюнус Каршибаевич Пардаев, Севара Абдиназаровна**

**Бабаназарова, Озода Мамаюнусовна Пардаева**

**Аннотация:** в статье рассматриваются возможности повышения уровня безработицы и занятости в условиях трансформации рынка труда. При этом также частично анализируются мировой уровень безработицы и ситуация в Узбекистане. Объяснены пять типов безработицы на рынке труда. К ним относятся фрикционная (краткосрочная) безработица, структурная безработица, циклическая безработица, сезонная безработица, безработица, связанная с отсутствием квалификации.

**Ключевые слова:** безработица, занятость, бедность, благосостояние, фрикционная (краткосрочная) безработица, структурная безработица, циклическая безработица, сезонная безработица, недостаточная квалификация, новые рабочие места.

## **OPPORTUNITIES TO INCREASE THE LEVEL OF UNEMPLOYMENT AND EMPLOYMENT IN THE TRANSFORMATION OF THE LABOR MARKET**

**Mamayunus Karshibayevich Pardaev, Sevara Abdinazarovna  
Babanazarova, Ozoda Mamayunusovna Pardaeva**

**Abstract:** the article examines the possibilities of increasing the level of unemployment and employment in the transformation of the labor market. In this, the global level of unemployment and the situation in Uzbekistan are also partially analyzed. Five types of unemployment in the labor market are explained. These include frictional (short-term) unemployment, structural unemployment, cyclical unemployment, seasonal unemployment, unemployment related to lack of skills.

**Key words:** unemployment, employment, poverty, welfare, frictional (short-term) unemployment, structural unemployment, cyclical unemployment, seasonal unemployment, underskilling, new jobs.

**Кириш мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш, келажакда уни тугатиш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича стратегик тадбирлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармонининг 28 мақсадида “Мехнатга лаёқатли аҳолини шу жумладан, ёшлилар ва ногиронлиги бўлган шахсларни барқарор ва самарали бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини тушириш” масаласи қўйилган бўлса, 32-мақсадида “Ёшлиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш” масаласига бағишиланган. Бунга асосан бир қанча қарорлар ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилинган. Ушбу хужжатларда халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун уларнинг иш билан бандлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ вазиалар белгиланган. Кўриниб турибдики, мазкур масала бугунги кунма ўта долзарб масалалардан бири саналади.

**Тадқиқот методологияси.** мамлакатимиз меҳнат бозори трансформациясида ишсизлик ва иш билан таъминланганлик даражасини ошириш имкониятлари қараб чиқиши жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, шакл ва мазмун, таҳлил ва синтез каби услублардан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усувлари орқали ёндошув ҳам қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ишсизлик тушунчасининг мавжудлиги шу аҳоли ўртасида камбағалликнинг хукм сураётганлигининг бир кўриниши ҳисобланади. Ишламаган одамнинг топадиган даромади бўлмайди ва мос равища у камбағал

ҳолатда яшашига тўғри келади. **Ишсизлик деганда**, одамларнинг иш билан таъминланмаганлиги, яъни уларнинг меҳнат фаолият билан шугулланмаётгани тушунилади. Ишсизлик кўпинча иқтисодий муаммолар, бизнинг замонларда ўзгаришлар, технологик тараққиёт, ижтимоий масалалар ичida пайдо бўлиши мумкин. Ишсизлик даражаси мамлакатдаги иқтисодий муҳит, давлат сиёsatлари, иш ўринлари яратишнинг самарадорлиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Ишсизликнинг энг юқори даражаси Африка ва араб мамлакатларида кузатилган. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Глобал бандлик ва ижтимоий истиқболлар: 2023 йилдаги тенденциялар» ҳисоботига кўра, жорий йилда дунёда ишсизлик даражаси ошади. Ташкилот маълумотларига кўра, ўтган йил охирида дунёда ишсизлар сони 205,2 миллион кишини ташкил қилган. Бу 2021 йилга нисбатан 11,2 миллион кишига ва пандемия бошланган 2020 йилга нисбатан 30 миллионга камдир. Бироқ пандемиядан олдинги даврга (2019 йил) нисбатан бу кўрсаткич 13,3 миллион кишига кўпdir. Халқаро меҳнат ташкилотининг бу йилги прогнозларига кўра, дунёда ишсизлар сони 3 миллионга ошиб, 208,2 миллион кишига, 2024 йилда эса 210,9 миллион кишига етади<sup>1</sup>.

Ўтган йили дунёда ишсизлик даражаси 5,8 фоизни ташкил қилган. Бу 2021 йилга нисбатан 6,2 фоизга ва пандемия бошланган йилга нисбатан 6,9 фоизга кам. Аммо 2019 йилга нисбатан бу 5,5 фоизга юқори. XMT прогнозига кўра, ишсизлик даражаси 2023-2024 йилларда ўзгаришсиз қолади (5,8 фоиз). Жинслар нуқтаи назаридан, ишсизлик даражасида сезиларли фарқ йўқ. Ўтган йили ишсизлик аёллар ўртасида 5,8 фоиз, эркакларда 5,7 фоизни ташкил этган. 2023-2024 йилларда ишсиз эркаклар даражаси ўзгармайди, 2024 йилда аёллар ўртасидаги ишсизлик кўпаяди ва 5,9 фоизни ташкил қилади.

Минтақалар бўйича ишсизликнинг энг паст даражаси (5,2 фоиз) ўтган йили Осиё-Тинч океани мамлакатларида кузатилган. 2023-2024 йилларда вазият сақланиб қолиши ва кўрсаткич 5,1 фоизга камайиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида бу кўрсаткич 7 фоизни, Шимолий Америка мамлакатларида (АҚШ ва Канада) 3,8 фоизни, Европа ва Марказий Осиёда 6,1 фоизни, Африкада 7,1 фоизни ташкил қилган. Ишсизликнинг энг юқори даражаси араб мамлакатларида кузатилди. Ўтган йили бу кўрсаткич 9,3 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>.

Ушбу рақамлар дунё мамлакатлари ўртасида ўртача олинган. Аммо ишсизлик турли мамлакатларда ва минтақаларда турлича Дунё миқёсида **ишсизликнинг бир неча турлари мавжуд**. Буларга қуйидагиларни кўрсатиш

<sup>1</sup> <https://kun.uz/kr/news/2023/02/04/dunyoda-ishsizlar-soni-205-milliondan-oshdi>.

<sup>2</sup> <https://kun.uz/kr/news/2023/02/04/dunyoda-ishsizlar-soni-205-milliondan-oshdi>.

мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Мехнат бозорида аниқланган ишсизликнинг турлари

T/р	Ишсизликнинг турлари	Ишсизлик турларининг изохи
1.	Фрикцион (қисқа муддатли) ишсизлик	Бу тур ишчиларнинг оиласвий, тиббий ёки шахсий сабаблар билан ишдан озод бўлганлиги тушунилади. Айrim ҳолларда ишчининг янгидан иш захираси топиш учун вақтинча ишдан бўшаган вақтида содир бўлади. Фрикцион ишсизлик кўпинча қисқа муддатли бўлади.
2.	Таркибий ишсизлик	Бу ишсизлик – иқтисодий ўзгаришлар, технологиялар ва бошқа омиллар сабабли баъзи соҳаларда иш ўринлари йўқолиши натижасида юзага келадиган ишсизлик. Бу техника ёки бозор талаблари ўзгарганда, айrim йўналишларда ишчиларга эҳтиёж камайганлиги натижасида вужудга келадиган ишсизликдан иборатdir.
3.	Циклик ишсизлик	Циклик ишсизлик иқтисодий цикларнинг юқори ва пастлари натижасида юзага келади. Иқтисодий ривожланиш даврида ишсизлик даражаси камайса, рецессия (пасайиш) даврида эса ортиши кузатилиши мумкин.
4.	Мавсумий ишсизлик	Айrim соҳа ва фаолиятлар белгиланган давларда амалга оширилади. Мисол учун, қиши фаслида қишлоқ хўжалигига (дехқончиликда) ишсизлик йилнинг бошқа фаслларига нисбатан кўпроқ учрайди.
5.	Малакасизлик билан боғлиқ ишсизлик	Ушбу ишсизлик одатда, малакали ёки маҳсус билимларга эга бўлмаган одамлар орасида юзага келади. Шундай бўлганда, иш берувчиларнинг талабларига жавоб беролмайдиган одамлар ишсиз бўлиб қоладилар.

Бу турлардаги ишсизликнинг хусусиятлари кўп ҳолларда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлади. Буларнинг ҳар бири иқтисодий ва ижтимоий аҳвога турли таҳдидларни туғдиради. Иш билан таъминланмаган аҳолида камбағаллик юзага келади. Буларнинг яшашида хотиржамлик йўқолади. Шу туфайли ишсизликни бартара қилиш ҳар қандай мамлакат сингари бизнинг мамлакатимизда ҳам ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам бу масала давлатимиз эътиборида. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ишсизлик даражаси қандай ҳисобланиши ҳақида маълумот берди. Унга кўра, ҳалқаро меҳнат ташкилотининг умумэътироф этилган методологиясига асосан ишсизлик даражаси умумий меҳнат ресурслари эмас, балки иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ҳисобланади. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ишсизлик даражаси 9,0

фоизни ташкил этган<sup>3</sup>. Кўриниб турибиди, ишсиз аҳоли мамлакатимизда мавжуд. Шу туфайли мазкур масалада уни камайтириш бўйича изчиллик билан чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда 2022-йилнинг январ-июн ойларида ишсизлик даражаси 8,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайганлиги ҳақида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хабар қилди<sup>4</sup>. Маълум қилинишича, 2022-йилнинг июн ойида вазирлик хузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти томонидан республиканинг 108 та шаҳар ва туманларида навбатдаги ижтимоий сўров ўтказилди. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари асосида ўтказилган тадқиқот давомида 500 та ўзини-ўзи бошқариш органлари, 5,0 минг та уй хўжаликлари ҳамда 26,5 минг нафар фуқаролар қамраб олинди. 2022-йилнинг 1-июн ҳолатида меҳнат ресурслари сони 19453,3 минг кишини ташкил этиб, 2021-йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизга ёки 153,7 минг кишига ошган<sup>5</sup>.

Мамлақатимиз иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 13773,6 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга ёки 261,3 минг кишига ошган. Агар турлари бўйича эътибор қаратиладиган бўлсақ, расмий секторда банд аҳоли сони 6074,4 минг кишини ташкил қилиб, 2021-йилнинг шу даврига нисбатан юридик шахсларда банд бўлганлар сони 4,1 фоизга ёки 240,6 минг кишига ошгани кузатилган. Норасмий секторда банд бўлганлар сони 5690,3 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 8,2 фоиз ёки 507,5 минг кишига камайган<sup>6</sup>.

Қайд этилишича, бунда асосан, норасмий тарзда фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бўш турган ерларни экин майдонлари сифатида деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш учун ажратиб берилиши ҳисобига эришилган. Шунингдек, хорижий давлатларга ишлаш учун кетганлар 2008,8 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 528,2 минг кишига ошиши норасмий бандларни камайишига сабаб бўлган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1326,6 минг кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 8,8 фоизни ташкил этди. 2022-йилнинг январида бу кўрсаткич 1441,8 минг кишини (9,6 фоизни) ташкил этганди. 16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси 14,5 фоиз, аёллар орасида ишсизлик даражаси эса 12,8 фоизга тенг бўлди<sup>7</sup>. Кўриниб турибиди, ишсизлар сони расмий маълумотлар

<sup>3</sup> <https://darakchi.uz/uz/86268>

<sup>4</sup> <https://daryo.uz/2022/08/12/ozbekistonda-2022-yilning-birinchi-yarmidagi-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi/>

<sup>5</sup> <https://daryo.uz/2022/08/12/ozbekistonda-2022-yilning-birinchi-yarmidagi-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi/>

<sup>6</sup> <https://daryo.uz/2022/08/12/ozbekistonda-2022-yilning-birinchi-yarmidagi-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi/>

<sup>7</sup> <https://daryo.uz/2022/08/12/ozbekistonda-2022-yilning-birinchi-yarmidagi-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi/>

бўйича ҳамон анчани ташкил этади.

Мамлакатимизда иқтисодий нофаол аҳолининг мавжудлиги ҳам анча кишини ташкил қиласди. 2022-йилнинг 1-июл ҳолатида республикада иқтисодий нофаол аҳоли 4353,2 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,9 фоизга ёки 38,8 минг кишига ортиши кузатилди. Бунда, ишлашни хоҳламайдиган ёки дархол ишга жойлашишга имконияти йўқлар ўтган йилга нисбатан 183,6 минг кишига камайган бўлса, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган талабалар ҳамда туғруқ татилидаги аёллар сони 222,4 минг кишига ошган. Ишсизлик оқибатида кам таъминланган камбағал қатламни қўллаб-куватлаш учун Ўзбекистонда 6 ойда 20 мингдан зиёд ишсиз фуқарога 21 млрд 487 минг сўм ишсизлик нафақаси тўланган.

Ўзбекистонда аҳолининг бандлик даражаси давлатнинг иқтисодий сиёсати, инвестицияларнинг жалб қилиниши натижасида янги иш ўринларини яратилиши, таълим тизими ва бошқа турли ижтимоий-иктисодий омилларга боғлиқ бўлиб таъсир қўрсатади. 2023 йилга келиб, Ўзбекистонда бандлик даражасини ошириш ва ишсизликни камайтириш мақсадида янги иш ўринларининг яратилиши билан боғлиқ кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат ишсизликни камайтириш, бандликни ошириш мақсадида бир қатор дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бунинг учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва таълим тизимини рақамлаштириш каби чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хуллас, ишсизлик даражаси ҳар йили ўзгариб боради ва бу кўпинча иқтисодий ҳолат, глобал иқтисодий тенденциялар ҳамда маҳаллий иқтисодий тараққиёт даражасидан келиб чиқади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бандлик даражаси дунё мамлакатлари сингари маълум микдорга эга. Буни бартараф қилиш орқали камбағаллик даражасини қисқартириш имкониятларини ҳам яратиш мумкинлиги мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг эътиборида бўлмоғи лозим. Бунга эришиш учун бир қанча вазифаларни амалга оширишга тўғри келади. Булар, бизнинг фикримизча қуидагилардан иборат:

**Биринчидан,** аҳолининг фаровонлигина таъминлаб, камбағалликни кескин қисқартириш учун ишсизликка барҳам бериш чораларини кўриш учун ҳар бир шахснинг иш билан бандлигина таъминлашга қаратилган масъулиятини ошириш лозим бўлади. Бунинг учун тегишли ташвиқот ва тарғибот ишларини ҳам амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан,** ишсизликнинг турларини, хусусан фрикцион (қисқа муддатли) ишсизлик, таркибий ишсизлик, циклик ишсизлик, мавсумий ишсизлик, малакасизлик кабиларни мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида аниқлаб, шу йўналишлар бўйича янги иш ўринлари яратиб, ишсизликни тутатиш

чораларини кўриш лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан**, ишсизликни камайтириш учун барча таълим муассасаларида назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаб, дуал таълимни жорий қилиш ва уларни меҳнат бозорига тайёр ҳолда чиқариш лозим. Шунда ҳар қандай босқичда ўқишни битирган бўлса, тайёр иш билан шуғулланиш учун имконият ва малака шаклланган бўлади.

Умумий хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни шакллантиришга мўлжалланган «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида кўзда тутилган халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш учун иш билан бондликни ошириб, ишсизликни камайтириш каби вазифаларнинг бажарилшига хизмат қиласди.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ти фармони. LexUZ шарҳи.
2. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. [https://www.lap-publishing.com/cover\\_playgrounds/oiancevskaia](https://www.lap-publishing.com/cover_playgrounds/oiancevskaia)
3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
4. Пардаев М.Қ. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 202 бет.
5. <https://daryo.uz/2022/08/12/ozbekistonda-2022-yilning-birinchi-yarmidagi-ishsizlik-darajasi-malum-qilindi/>.
6. <https://darakchi.uz/uz/86268>.
7. <https://kun.uz/kr/news/2023/02/04/dunyoda-ishsizlar-soni-205-milliondan-oshdi>.